



TARAKKIYET TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-14, (February) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

ШАРИПОВ Абдукаххор Мухамаджонович

Банк молия академияси

тингловчиси

МОЛИЯ ТИЗИМИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида “...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Молия тизимида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш асосий вазибалардан ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолияти тўғрисида ва унинг моҳиятини аниқлаш масаласига бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли иқтисодий адабиётларда бир қатор хорижлик олимлар, рус олимлари ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим Д.МакНотон ўз илмий ишларида тижорат банкларнинг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш ва тартибга солиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш хусусидаги масалаларга тўхталган ҳолда қуйидаги фикрларни баён этган: ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди [2].

З.М.Анисимованин “Банк стратегик менежментини ривожлантириш” номли илмий тадқиқот ишида банк фаолияти: “тижорат банкининг узоқ муддатли фаолияти режаси бўлиб, у қабул қилинган вазибалар ва мақсадларга эришишни таъминлайди ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш шarti билан ҳар бир таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди” деб ифодалаган [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим О.Саттаров «Банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келгуси мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилятилари йиғиндисидир», деб таъриф берган [4].

M. Gregory Mankiwning fikricha, tijorat banklari orqali yaratilgan qʻshimcha pul bu pul multiplikatori deyiladi. Mankiwning bunday tarif bеришига asosiy sabablardan biri mamlakatdagi berilgan barча kreditlar pul massasini tashkil қилиши билан изоҳлайди. [5].

Маҳаллий олимлардан З. Жумаевнинг Макроиктисодиёт номли китобида tijorat banklari orqali qʻshimcha pul yaratilishi bank multiplikatori ёки кредит экспанцияси деб талқин қилади [6].


Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишларида tijorat banklari faoliyatiga umumiy taʼrif berilgani ammo bu jaraʼnnning umumiy mamlakat molia tizimiga va inflyatsiya darajasiga taʼsiri keng ёritilmaganini кузатиш mumkin. Biz usbu maqolada, tijorat banklari faoliyati bosqa iqtisodiy kўrsatkichlarга хусусан, molia tizimiga va pulning qiymatiga taʼsirini ёritishga хarakat қилдик.

Бугунги кунда davlat moliasini bosqarish tizimini yangi bosqichga олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет tizimining shaffofligini ошириш, Ўзбекистон Республикаси Davlat budgeti mablagʻlaridan foydalаниш samaradorligi va natijadorligini ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Davlatimiz rahbarining 2020-йил 12-майдаги “2020-2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг bank tizimini isloх қилиш tўғрисида”ги фармонида mamlakatimiz bank tizimida davlat ulushini bosqichma-bosqich камайтириш, molia bozorida teng raqobat sharoitlarini yaratish, kreditlashni faqat bozor shartlari asosida amalga ошириш, banklarning davlat resurslariga қaramligini pasayтириш, хизmat kўrsatishni модернизация қилиш, соҳада samarali infratuzilma yaratish va avtomatlashtiriш, шунингдек, улар faoliyatiga хос бўлмаган функцияларни бекор қилиш orqali samaradorlikni ошириш vazifalari белгилаб берилди.

Bank tizimida qʻshimcha likvidlikning қisqariши фонидa banklarning pul bozoridaги faolligining янада ортиши тахмин қилинмоқда. Bunda, pul-kredit siёsati operatsion mexanizmiga киритилаётган қатор ўзгаришлар pul bozoridaги foiz stavkalarining муvozanatlashishiga хизmat қилса, davlat қimmatli қоғозлари emissiasining ортиши banklar uchun гаров базасининг кўпайишига ва banklararo REPO операциялари ulushining ўsiшига хизmat қилади.

Хусусан, жами депозитларнинг ЯИМга nisbati жорий йил бошидаги 15,6 foizдан 2026 йил якунида 17 foizгача ўsiши прогноз қилинмоқда. Bunda, аҳоли муддатли депозитларининг ЯИМга nisbati 6,5 foizга етса (2023 йил якунида 4,0 foiz), аҳолининг жами депозитлари 9,8 foizгача (7,4 foiz) ортади (1-расм) ва кредитларнинг депозитларга nisbati kўrsatkichining яхшиланиши кутилмоқда.



1-расм. Депозитларнинг ЯИМга нисбати прогнози, фоизда

Жами депозитларнинг таркибида аҳоли депозитларининг улуши ортиб боради, бунда муддатли депозитлар ҳажми ўсиши муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, аҳоли депозитларининг жами депозитлардаги улуши 2023 йилдаги 48 фоиздан 2024 йилда 52 фоизгача ошири кутилаётган бўлса, аҳолининг жами депозитларидаги муддатли депозитлар улуши 54 фоиздан 60 фоизгача ўсиши прогноз қилинмоқда. 2023 йил якунига кўра, пул ўтказмалари ўрта муддатли тренд даражасига қайтиб, 11,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу пасайиш юқори база эффекти, қисман меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий мамлакатлар валюта курсларининг қадрсизланиши ҳамда меҳнат миграцияси оқимининг бироз қисқариши билан изоҳланади. Юқорида таъкидланган фундаментал омиллар таъсирида 2023 йилда миллий валюта курси қадрсизланиши 9,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, реал самарали алмашув курси индекси мўътадил пасайишда давом этиб, 2023 йил бошига нисбатан 0,8 фоизга мустаҳкамланди. Бу асосий савдо ҳамкорлар валюта курслари мустаҳкамланиши ва улардаги инфляцион жараёнларнинг тезлашиши билан изоҳланади.

Банкларо пул бозоридаги фоиз ставкаларининг нисбатан қатъий даражада шаклланишига қарамасдан, ушбу шароитларнинг депозит ва кредитлар бозорларига трансмиссияси нисбатан пастроқ бўлди. Бунда, миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўсувчи динамикаси чакана кредитлар сегментидаги юқори талаб билан ифодаланади. Бу ўз навбатида, ушбу кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг шаклланишига оширувчи таъсир кўрсатди. Хусусан, миллий валютадаги аҳоли кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари декабрда 25,2 фоизгача, юридик шахслар кредитлари бўйича 23,1 фоизгача кўтарилди.



Трансмиссион механизмнинг кредит каналида банкларнинг кредит ажратиш имконияти ва манбалари шаклланиши марказий аҳамият касб этиб, жорий йилда ҳам банклар асосан ички манбаларга таянди ва натижада омонатлар бозорида рақобат кучайиб борди. Глобал инфляцион жараёнларда ташқи молиявий шароитларнинг узокроқ муддат қатъий сақланиб қолиши кутилаётган бўлиб, келгуси йилларда ҳам ички ресурсларга бўлган талаб ошиб боради. Бунда, банклар валюта позицияси бўйича меъёрлар ҳисобига миллий валютада кредитлар ажратиш устувор аҳамият касб этади ва кредитлар долларлашуви пасайиб боради. Келгуси йилларда ҳам кредитлар долларлашувини қисқартириш, имтиёзли кредитлаш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш ва кредит қўйилмалари ўсишининг номинал ЯИМ ўсишига мос бўлишига эришиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриб борилади. Бу эса пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинаётган қарорлар трансмиссиясининг яхшиланишига ва инфляцияга монетар омиллар таъсирининг камайишига хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат молиясини бошқаришда ҳамда банк тизимида давлатнинг ўрта ва узок муддатли мақсадларига эришиш борасида стратегик ўрта муддатли истиқболларини белгилаш лозим.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳисобини алоҳида юритиш, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларини консолидациялашган бюджетда акс эттириш зарур.

Маҳаллий бюджетларни мустақил равишда белгилаш имконини берадиган бюджетлараро трансфертларни ҳисоблашнинг шаффоф услубиятини ишлаб чиқиш молия тизимида тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштиришда ёрдам беради.

Давлат харидлари ва инвестицияларини бошқариш самарадорлигини ошириш, давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш учун мавжуд таваккалчиликларни баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Пул-кредит сиёсати самарадорлиги бир томондан, молиявий воситачиликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳисобига активлар нархи шаклланишида пул бозоридаги фоиз ставкаларининг таъсирчанлик даражасини пастлиги билан чекланса, иккинчи томондан, банк тизимида депозитлар, кредитлар ва мажбуриятлар долларлашувининг юқорилиги, имтиёзли кредитлаш амалиёти ва инфляцион қутилмаларнинг жиловланмаганлиги каби сабаблар таъсирида юқори бўлмайди.

Келгусида иқтисодиётда фоиз ставкаларининг реал ҳисобда ижобий сақланиши, валюта курсининг қутилаётган барқарор шаклланиши ва банк тизимида ички ресурсларга бўлган талабнинг юқорилиги миллий валютадаги депозитларнинг юқори суръатларда ўсишига ва депозитлар долларлашувнинг янада пасайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Д. Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.-ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.-С.75.
3. Анисимова З.М. Развитие стратегического банковского менеджмента. дис...канд. экон. наук: 08.00.10. - М, 2014.
4. Саттаров О. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. – Т.: «Extremum press», 2012. –9-б.
5. N. Gregory Mankiw, Mark P. Taylor “Economics” 2014. 558-бет.
6. З. Жумаев, “Макроиктисодиёт” 2005. 68-бет.
7. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569329/> сайти маълумотлари.